Emro Science and Education
Open-access scientific journal
Journal homepage: https://journal.emro.uz

OPEN ACCESS

CONFERENCE PAPER OPEN ACCESS

Vol. 1 No. 1 (2023) · “Axborot oqimlari va intellektual tizimlarning ijtimoiy, iqtisodiy va texnik-texnol... DOI: 10.5281/zenodo.24318237

materiallar to‘plami

ЖАМИЯТНИНГ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИДА БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ АХБОРОТ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ АҲАМИЯТИ

Азамхонов Баходир Сайиткамолхонович
ТАТУ Фарғона филиали эркин тадқиқотчи

Аннотация. "Ахборот компетенцияси" тушунчаси ва тузилиши кўриб чиқилган, жамиятнинг инновацион ривожланишида алоҳида алохида аҳамиятга эга мақбул бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш учун компютер воситаларидан фойдаланадиган янги ахборот технологияларига эга бўлган бўлажак мутахассисларнинг компетенциясини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўрилган.

Калит сўзлар: ахборот компетенцияси, IT-компетенцияси, ахборот технологиялари, бошқарув қарорларини қабул қилиш, жамиятнинг инновацион ривожланишида ахборот технологиялари.

Замонавий жамият технологияларнинг ривожланиш суръатларини тезлаштириш, янги интеллектуал технологияларни яратиш, ахборотни инсониятнинг энг муҳим глобал ресурсга айлантириш билан мезоналари тавсифланади. Бугунги кунда дунё жамиятларининг ахборот жамияти деб аталувчи, сифат жиҳатидан янги даврга ўтиш жараёни кетмоқда. Академик А. Р. Ершов биринчилардан бўлиб рус адабиётида ахборотлаштириш ҳақида ёзган. У ахборотлаштиришни "инсоният цивилизацияси ривожланишининг универсал ва муқаррар даври, дунёнинг ахборот “хом-ашёсини” ўзлаштириш даври, табиат ва жамиятда ахборот фаолияти қонунларининг бирлигини англаш, уларни амалда қўллаш, ахборот ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш саноатини яратиш"деб ҳисоблади.[2].

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ўқув ва илмий адабиётларда “рақамлаштириш”, “ахборот маданияти”, “IT компетенцияси”, “компютер саводхонлиги” каби тушунчаларга катта эътибор берилмоқда. Ахборот жамиятида яшайдиган бўлажак мутахассис нафақат керакли маълумот ва дастурлаш техникасини ўзлаштириши керак балки ижодий-креатив салоҳият, олинган билимларни жамиятнинг инновацион ривожланиши шароитида иқтисодий, экологик, ахлоқий ва эстетик жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишда самарали қўллашни хам амалга ошириш зарур.

Аввало, бўлажак мутахассис интеллектуал билимларни ўзлаштириш ва ривожлантириш учун ахборот ва ахборот технологияларидан оқилона фойдаланишни ўрганиши керак. Шундан келиб чиқиб бугунги замонавий рақамлаштириш шароитида таълимни ахборотлаштириш жуда муҳимдир.

Жамият тараққиётининг тақдири таълимга боғлиқ эканлиги бугунги кунда дунё олимлари учун янгилик эмас. Шу муносабат билан A. D. Урсул ёзади: "Айтишимиз мумкинки, бутун дунёда шундай вазият мавжудки глобал бетартиблик ҳукм сураётган даврнининг янги тараққиёт тақдири келажакда

Published: 10.11.2023

Cite this article: Азамхонов Баходир Сайиткамолхонович (2023). Жамиятнинг инновацион ривожланишида бўлажак мутахассисларнинг ахборот компетентлигини аҳамияти. Emro Science and Education, 1(1). https://doi.org/10.5281/zenodo.24318237

© 2023 The Author(s). Published by Emro Science and Education. This is an open access article.

таълимнинг ривожланишига боғлиқ” [5].

Кўпгина олимлар Беспалько В.П. [4], Е. Р. Семенюк [1], Зеер Э.Ф. [3] ахборотлаштиришни самарали усулларни излаш ва ушбу концепцияни амалга ошириш механизмларини ишлаб чиқишда ахборотлаштириш имкониятларини инсон ақлини такомиллаштириш муаммолари билан узвий боғлашади. Бу жараёнда шахснинг ахборот компетенцияси асосий мезоналардан биридир. Хуторскийнинг [6] фикрлари бўйича бу жараёнларнинг объектив ва субъектив томонлари хисобга олиниши зарур. Объектив томонида жамиятнинг касбий фаолиятга қўядиган талаблари ётади. Ахборот компетенциясининг субъектив томони-бу бўлажак мутахассиснинг индивидуаллиги, унинг касбий фаолияти, унинг ахборот компетенциясини такомиллаштириш ва ривожлантиришда мотивациянинг ўзига хос хусусиятлари орқали белгиланадиган сифатларидир. Шахснинг ахборот компетенцияси ва жамиятнинг ахборот компетенцияси ўзаро ривожланаётган ва бир-бирини бойитадиган объектлардир. Бугунги кунда таълим стандартларини ишлаб чиқишда унинг ўзига хос хусусиятлари, таркибини шакллантириш ва баҳолашга янгича ёндашувларда "мен биламан ва қила оламан" дан "биламан, қила оламан ва амалда қўллай оламан" каби тамойилларга асосланган стандартлар, талаблар, низомларга таяниши керак.

Шахснинг ахборот компетенцияси билан жамиятнинг ахборот компетенцияси ўзаро ривожланаётган ва бир-бирини бойитадиган объектлардир. Ўзлаштирилган билимларни амалда қўллаш, вазифаларни белгилаш ва уларни ҳал қилишда мустақиллик қарор қилиш, юзага келадиган муаммолар учун жавобгарликни ўз зиммасига олиш каби кўникмалар "компетенция" тушунчасининг асосини ташкил етади.

Техник таълим муссасларида бўлажак муҳандиснинг бошқарув ва ахборот маданиятини шакллантириш ўзига хос мафкуравий, касбий, амалий-йўналтирилган дидактик тамойиллар асосида амалга оширилиши керак. Бунда интерфаол, мотивацион, ижодий таълим ва ахборот технологияларига таянган ҳолда ўқув жараёнини ташкил этиш шакллари ва усулларидан фойдаланиш аҳамиятли хисобланади. Олий таълим ўқув жараёни бошқариш назарияси ва амалиёти бўйича фундаментал билимларга эга бўлган мутахассисларнинг касбий маҳоратини шунингдек, ўз касбий фаолиятида ахборот технологияларидан фаол фойдаланиш қобилиятини ўзлаштиришларини таъминлаши керак.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, интернет тизими, шахсий компютерлар, алоқа воситаларидан кенг фойдаланиш, маълумотлар базалари ва интеллектуал билим базаларига киришни соддалаштириш, ақлли технологиялар ва тизимлардан фойдаланиш мутахассисларга тахлилий маълумотлар тайёрлаш, башоратлаш функцияларни бажариш, жамиятнинг инновацион ривожланиши учун ахборотни қайта ишлашнинг замонавий технологик режимида бошқарув қарорларини тайёрлаш учун кенга имкониятлар яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Семенюк, Э.П. Информационная культура общества и прогресс информатики /Э.П. Семенюк/ НТИ. - 1994.-№ 1.- С.1-10.
2. Ершов А. П. Информатизация: от компьютерной грамотности учащихся к

информационной культуре общества // Коммунист, 1988, № 2, С.80-90.
3. Зеер Э.Ф. Ключевые квалификатции и компетенции в личностно ориентированном профессионалном образовании // Образование и наука. Изв. Урал. отд. РАО, 2000. № 3 (5). С. 12-25.
4. Беспалько В.П. Образование и обучение с участием компютера (педагогика третего тысячелетия). - Москва: Изд-во Моск. психол.-сос. ин-та; Воронеж: Изд-во НПО «МОДЕК», 2002. – 351 с.
5. Урсул, А.Д. Модель устойчивого развития цивилизации: информационные аспекты /А.Д. Урсул/НТИ. - 1994. - № 12.- С.1-10.
6. Хуторской, А.В. Компетенции в образовании: опыт проектирования/ А.В. Хуторской.-М.: Научно-внедренческое предприятие «ИНЭК», 2007.- 320 с.